Талаба қасамёди

Ўзбекистоннинг «отахон» илм даргоҳи бўлмиш Тошкент давлат университети жорий ўқув йилида 1700 нафар талабага бойиди. Шу муносабат билан яқинда «Дорилфунун» маданият саройида «Ассалом, 1-курс» номли тантанали кеча бўлиб ўтди. Университет ректори, академик Тўрабек Долимов кечани очар экан, бугунги кунда юртимизда баркамол авлодни етиштириш борасида қилинаётган ишлар, эришилган ютуқлар ва келгусида бажарилиши керак бўлган вазифалар устида тўхталди. Ўзбекистон Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов талабаларни қутлаб, ўз талабалик хотиралари билан ўртоқлашди. Шундан сўнг, анъанага мувофиқ талабаларга рамзий калит ва гувоҳнома топширилди. Бунга жавобан талабалар ватанга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга қасамёд қилдилар. Кеча сўнггида саҳналаштирилган катта байрам дастури намойиш этилди.

Дилноза ЮНУСОВА

Қирқ икки оила янги уйга кўчишди

Яқинда Жиззах шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳардаги 32 маҳаллада истиқомат қилаётган кўп болали кам таъминланган 42 та оила шаҳарнинг сўлим масканларидан бирида барпо этилган янги уйларнинг соҳиби бўлишди.

— Шаҳримиздаги ҳомий корхона ва ташкилотлар ёрдамида ҳашар йўли билан қурилган, ҳамма қулайликларга эга замонавий 21 та коттеж уйнинг ҳар бирига иккитадан хонадон кўчиб кирди, — дейди шаҳар ҳокими Сарвар Худоёров. — Шундай қилиб шаҳримизда бир йўла 42 та хонадонда ҳовли тўйлари ўтказилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Муҳим соҳага назар

Пахта тозалаш соҳаси мамлакатимизда пахта тайёрлаш комплексининг якуний бўғинидир. Унга 132 пахта тозалаш заводи, 564 тайёрлов пунктлари бирлашган. Бу ташкилотлар ишлаб чиқариш йўналишидаги мураккаб ва кўп тармоқли соҳа ҳисобланиб, республикада тайёрланаётган пахта хомашёсини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказишни амалга оширади.

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси раҳбарияти журналистларга шуларни маълум қилди.

— Уюшмамизнинг асосий вазифаси пахта хомашёсини қабул қилиб олиш, уни саноатда қайта ишлаш ва маҳсулотларни реализация қилишдир, — деди уюшма раисининг биринчи ўринбосари В.В. Дьячков. — Республикада тайёрланаётган пахта толасининг 80 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинади ва у мамлакат валюта заҳирасини тушум билан таъминлашнинг барқарор технологиясини вужудга келтиради.

Уюшмада 62 мингдан ошиқ ишчи ва хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилишмоқда. Бу ерда ижтимоий соҳага ҳам катта эътибор берилмоқда ва бунинг учун йилига миллионлаб сўм маблағ сарф этиляпти.

Ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлиги журналистлар ўртага ташлаган саволларда намоён бўлди. Ошкоралик руҳида ўтган мулоқот қалам аҳли учун ҳам, уюшма раҳбарияти учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмади.

Бобо САРОЙИ

Ҳамкорликда қарши кураш

Шу йил 27 октябрдан 2 ноябргача «Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони — 99» шиори остида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия қуролли кучлари қўмондонлик штабларининг ҳамкорликдаги ҳарбий машқлари бўлиб ўтди.- Беш давлат ҳарбийлари террорчилик ва экстремизмга қарши кураш, уни таг-томири билан йўқ қилиш борасида биргаликда ҳаракат қилиш юзасидан машқлар ўтказди.

Ҳарбий машқлар икки йўналишда олиб борилди. Биринчиси жангари тўдаларни йўқ қилиш бўйича тайёргарлик операцияларидан иборат бўлса, иккинчи йўналишда махсус ҳарбий ҳаракатлар давомида қўшинларни бошқариш тартиблари ўрганиб чиқилди. Машғулотларнинг кўлами ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин: ҳамкорликдаги тадбирларга 2500дан зиёд ҳарбий хизматчи, 400 дан ортиқ техника, олтмишга яқин жанговар самолёт ва вертолёт жалб этилган эди. Мақсад эса битта. У ҳам бўлса, тобора қулоч ёзишга уринаётган босқинчи тўдаларнинг ҳаракатланишига, жумладан, Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган жангари тўдаларнинг қайта хуружига йўл қўймаслик, улар қўшни Қирғизистон ва умуман минтақамиздаги бошқа мамлакатлар халқлари тинчлигига раҳна солишининг олдини олишга тайёр туриш, айни пайтда ўзаро ҳамжиҳатликда бор куч ва имкониятни ишга солиш, босқинчиларга қарши жипслик ва қатъиятни намойиш қилишдан иборат эди.

Фарғона шаҳрида ана шу машғулотларнинг ниҳоясига етиши муносабати билан иштирокчи давлатлар мудофаа вазирларининг якуний кенгаши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Ҳ.Турсунов очиб, барча иштирокчи давлатлар ҳарбийларининг бошини айни масала, яъни террорчилик ва экстремизмга қарши кураш муаммоси бирлаштирганини қайд этди. Томонлар ўртасида бир-бирини тушуниш, ўзаро ишонч мавжудлиги ҳамда ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик ривож топаётганидан мамнуният изҳор этди.

Анжуманда бундай машқларнинг аҳамияти ҳақида сўз бориб, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террорчилик ва экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қатъий қарши туриш, бу борада муаммони барча давлатлар учун бирдек таҳдид сифатида қабул қилиб, ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгаш сўнггида машғулотлар якунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.Унда иштирокчи давлатларнинг мудофаа вазирлари ҳамкорликдаги ҳарбий машқлар юксак савияда ўтганини, ушбу тадбирдан кўзланган барча мақсадларга эришилганини таъкидлади.Шунингдек, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш ҳар бир мамлакат зиммасига бирдай масъулият юклаши қайд этилди. Бу борада ўзаро ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олингани маълум қилинди.Анжуманда таъкидланганидек, бундай ўқув машқларнинг навбатдагиси келаси йилнинг баҳор ойларида бўлиб ўтади.

Р.КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 4 ноябрь, пайшанба • № 129 (25.524).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Тинчлик ва барқарорлик —улуғ неъмат

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Тошкент Декларацияси ғояларини яна бир бор қўллаб-қувватлади

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқлар тинчлигига раҳна солувчи халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши тўсиқ бўлишдан иборатдир. Давлатимиз минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, бир қатор давлатлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириб бориш билан бирга бу ташкилотлар ишида фаол иштирок этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг минтақадаги хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш, можароларни сиёсий чоралар билан бартараф этиш, Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш, наркобизнесга қарши курашда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, Афғонистондаги қонли қарамақаршиликни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги конструктив ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон пойтахти Тошкент бугунги кунда нуфузли халқаро ташкилотлар иштирокидаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича муҳим халқаро анжуманлар марказига айланганлиги, унда қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ва долзарблиги жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан эътироф этилаётганлиги Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатдаги нуфузи ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, жорий йилнинг 19 октябрида БМТ Хавфсизлик Кенгаши жаҳонда тинчлик ва ҳавфсизликка таҳдид солаётган халқаро терроризмнинг ҳар қандай шакл ва кўринишларига қарши кураш масаласига доир муҳим резолюция қабул қилган эди. Терроризм халқаро тус олиб, инсонят учун жиддий хавфга айланаётган, бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига, давлатларнинг конституциявий тузумига хавф солаётган пайтда қабул қилинган ушбу резолюция терроризмга қарши кураш чоралари ҳақида миллатлар ҳамжамиятининг ўзига хос манифести бўлди. Бу чоралар орасида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро конвенцияларни универсаллаштириш, давлат ва ташкилотлар ҳаракатларини мувофиқлаштириш, террорчиликка чек қўйиш, уларни содир этишда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш каби чоралар бор.

Бир неча кун аввал, 15 октябрда эса "Толибон" ҳаракатига қарши чекланган жазо чораларини жорий этиш тўғрисида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча аъзолари томонидан якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда "Толибон" номи билан маълум бўлган, ўзини Афғонистон Ислом Амирлиги деб атаётган афғон гуруҳи томонидан халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотчиларига бошпана берилиб, қўллаб-қувватланаётганлиги қатъий қораланиб, халқаро террорчиликда айбланаётган Усама бин Ладенни одил суд ҳукмига топшириш талаб қилинган ва БМТ резолюцияси 1999 йилнинг 14 ноябригача бажарилмаса, чекланган жазо чоралари кўрилиши қайд этилган эди.

Афсуски, халқаро террорчилар ва уларнинг қуролярог ва наркотик моддалар билан савдо қилувчи шериклари зўравонликнинг даҳшатли усулларини ишга солиб, бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда, халқларнинг тинчлиги ва осойишталигини бузмоқда, Афғонистон замини ҳамон қарама-қарши кучлар жангоҳи, халқаро террорчиларга бошпана берувчи марказ, наркотик моддалар ва қуролярог тарқатиш манбаи бўлиб қолмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши раиси Бош Ассамблеяда "Афғонистондаги вазият" масаласи кўриб чиқилиши муносабати билан 22 октябрда Кенгаш аъзолари номидан баёнот эълон қилди. Ушбу баёнотда Афғонистонда давом этаётган можаролар минтақадаги ва жаҳондаги тинчлик ҳамда хавфсизликка жиддий таҳдид солаётганлиги, Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 19 октябрда қабул қилган резолюцияси талаблари "Толибон" гуруҳи томонидан дарҳол бажарилиши зарурлиги таъкидланади.

"Хавфсизлик Кенгаши "Толибон" ҳаракати назоратидаги ҳудудларда халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотчиларига бошпана берилиши, террорчилар тайёрланишини қаттиқ қоралайди ва бошқа давлатлар ёки фуқароларга нисбатан террорчилик ҳаракатлари уюштиришни тўхтатишни талаб қилади",- дейилади Кенгаш раиси баёнотида. Шунингдек, ушбу баёнотда Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик урушини дарҳол тўхтатиш талаб этилиб, "Толибон" ҳаракати "6+2" гуруҳининг Тошкентдаги учрашувидан кейин ҳам уруш ҳаракатларини бошлаб юборганликда, халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатларига путур етказганликда айбланади.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Афғонистондаги урушнинг ўз вақтида тинч йўл билан ҳал этилмаслиги минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини олдиндан кўра билиб, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 ва 1995 йиллардаги сессияларида, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти саммити ва бошқа қатор муҳим халқаро анжуманларда Афғонистон ҳарбий-сиёсий танглик ўчоғи бўлибгина қолмасдан, айни пайтда қурол ва наркотик моддалар тарқатиш манбаи, террорчилар, диний экстремистларни тайёрлаш марказига айланиб қолганлигини таъкидлаб, халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини афғон халқини уруш даҳшатларидан озод этиш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш масалаларига жалб этган эди.

Ўзбекистон давлати раҳбарининг афғон муаммосини ҳал этиш ва минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган конструктив ташаббуслари БМТ шафеълигидаги "6+2" гуруҳининг (Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Хитой ҳамда АҚШ ва Россия) ташкил этилишига асос бўлди. Гуруҳнинг биринчи учрашуви Нью-Йоркда 1997 йили бўлиб ўтган эди. "6+2" гуруҳининг шу йил июль ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви ва унда биринчи бор мухолиф томонларнинг юзма-юз музокара олиб боришлари учун имкон яратилганлигини, анжуман якунида "Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари" ҳақидаги Декларациянинг қабул қилинишини халқаро жамоатчилик афғон заминида тинчлик ўрнатиш борасида ташланган жиддий қадам сифатида баҳолаганди.

Хавфсизлик Кенгаши раисининг баёнотида афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилган Тошкент Декларацияси яна бир бор қўллаб - қувватланди.

"Хавфсизлик Кенгаши 1999 йил 19 июлда 6+2 гуруҳининг Тошкент учрашувида қабул қилинган "Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари" ҳақидаги Декларацияни, айниқса, гуруҳ аъзоларининг Афғонистондаги қарама-қарши томонларга ҳеч қандай ҳарбий ёрдам кўрсатмаслик ва ўз ҳудудларидан бундай мақсадлар учун фойдаланишнинг олдини олиш борасидаги келишувини қўллаб-қувватлайди. Хавфсизлик Кенгаши БМТнинг афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишдаги саъй-ҳаракатлари йўлида мазкур гуруҳнинг барча аъзоларини ва Афғонистондаги қарама-қарши кучларни ушбу принципларга амал қилишга чақиради,"- дейилади баёнотда.

Ушбу баёнот орқали жаҳон ҳамжамияти террорчилик ва экстремизм ўчоғига, наркобизнес марказига айланиб қолган, инсоннинг энг олий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқи бутунлай поймол этилаётган, аёллар инсон ўрнида кўрилмаётган, балоғат ёшига етмаган болалар аскарликка олинаётган, бемаъни уруш туфайли оилалар барбод бўлаётган, асоссиз қатллар амалга оширилаётган Афғонистонда рўй бераётган воқеалардан қаттиқ ташвишда эканлигини яна бир бор изҳор этиб, "Толибон" гуруҳини буларнинг барчасига чек қўйишга чақиради ва яна бир бор халқаро террорчиликда айбланаётган Усама бин Ладенни суд ҳукмига топширишни талаб қилади.

(ИЗОҲ: Мақола нашрга тайёрланаётган пайтда "Интернет" саҳифаларида "Толибон" ҳаракати ўз назорати остидаги Афғонистон ҳудудида террорчилар тайёрланадиган лагерларни ёпиш, хорижий мамлакатлар, жумладан, Покистон ва араб давлатлари фуқаролигига мансуб жангариларни қуролсизлантириш ҳақида қарор қабул қилганлиги борасида Покистоннинг "Фронтиер Пост" газетаси хабари эълон қилинди. Бу чиндан ҳам иқрорми ёки жаҳон ҳамжамияти кўзини чалғитишга уринишми? Албатта бу алоҳида мавзу.)

Ҳ. МУРОДОВ.

Тўйга тўёналар

Ўзбекнинг ғурури Жалолиддин

Мамлакатимизда мустақиллик ютуқлари тобора таъминланиб бормоқда. Бугунга келиб Амир Темур, Бобур Мирзо, Бойқаро, Сарбадорлар сингари юрт ҳимоясига ўзини бахшида этган Жалолиддин Мангуберди шахсини, фаолиятини ўрганиш, халққа етказишга имкон туғилди. Таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан туркиялик таниқли тарихчи олим Ойдин Тонарий қаламига мансуб «Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври» китоби «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилди. Олим китобни асл манбалар, араб, форс, гуржи, арман қўлёзмалари асосида яратган. Шунингдек, «Фан» нашриётида О. Бўриев ва Н. Тошевлар муаллифлигида ёзилган «Жалолиддин Мангуберди» рисоласи ҳамда тарихчи «Мирхонднинг «Разват ус-сафо» асарида Жалолиддин Мангуберди зикри» номли рисоласи чоп этилди.

Босқинчиларга қарши курашга отланган Жалолиддин тарихи баҳоли қудрат ёритилган мазкур китоблар ўзбек ўқувчиларининг маънавий мулкига айланишига шубҳа йўқ.

Алпомишни ола келди Бойчибор

Шу кунларда Алпомиш бобонинг тўйига атаб бир қанча асарлар чоп этилди. Газета ва журналларда мақолалар чиқарилаяпти. Бу ҳам тупроғи тиллога тенг заминда камол топаётган халқимизнинг маънавий баркамоллиги учун, тарихимизни, ўтмишимиз асори-атиқаларини теран англашлари учун.

«Фан» нашриётининг саъй-ҳаракатлари билан бир йўла уч китоб, яъни «Алпомиш» ўзбекча ва русча матнларда, олий ўқув юрти талабаларига бағишланган «Алпомиш» — ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» ҳамда Бекмурод Жўрабой ўғли айтимидан ёзиб олинган «Алпомиш» китобларидир. Ушбу китоблар замирида миллатнинг ғурурини кўтарувчи, ўзлигини англатувчи этник жараёнлар тугал ёритилган. Муомала, кийиниш, рўзғор буюмлари, урф-одатлар ҳақида етарлича маълумот олиш мумкин.

Юсуф ЖЎРАЕВ

Очиқ гаплар

Даромади буромадга етмаса-я...

Аслида океандаги баҳайбат сув кемаларини кучли довул ва шамоллардан асраш, қирғоқда селгимай бир мувозанатда туришини таъминлаш учун оғир лангарлар керак бўлади. Бироқ Хатирчидаги Лангар кони, қолаверса Лангар акциядорлик жамияти учун мувозанат вазифасини ўтовчи қўлтиқтаёқли лангарлар нимага кераклигига ҳайронмиз. Нима, шўролар даврида қимматли саноат хомашёси — вольфрам ҳамда нодир тошлар етказиб берган Лангар кони бугунги кунда ҳимояга, суянчиққа муҳтожми? Наҳотки, ажойиб кони билан республикада ягона саналган Лангар эндиликда инқирозга юз тутса?

Аслида Тошкентдаги форфор заводи, Самарқанд, Қувасойдаги чинни заводлари худди шу нодир қазилма бойликлар — «дала шпат»и билан ишлайди. Шунингдек, Тошкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси, Бухородаги «Минокор» бирлашмаси, Фарғонадаги ойна-шиша идишлар заводи ҳам Лангар кони «дала шпат»ига, чиннивор унига асосий харидор. Бундан ташқари ушбу кон «Ғазалкент КОК» заводига, Самарқанддаги «Афросиёб» қўшма корхонасига, Тошкент мармари қайта ишлаш корхоналарига ҳам харсанг тошлар, гранит блоклар етказиб беради. Хуллас, Лангар ноёб қазилма бойликларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Аммо ана шундай муҳим аҳамият касб этган Лангар кони қўрғони бугун лангари ташланган кема каби қолоқлик гирдобига чўкмоқда.

Хўш, бунга сабаб нима? Нега энди яқин вақтларгача Ҳамдўстлик мамлакатлари даражасида хомашё ишлаб чиқарган корхона бугун қарз ва қарздорликка маҳкум?

Лангарликлар айни кезда 25 миллион сўм дебитор, 40 миллион сўм атрофидаги кредитор қарзларга эга. Натижада солиқлар тўлови издан чиқиб, жамоа орасида меҳнат интизоми бузилган ва унумдорлиги кескин камайди. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 2-2,5 минг сўм миқдорида. Бу аҳволда қандай қилиб йилига 40 минг тонна атрофида «дала шпат» ишлаб чиқариш мумкин? Энг ачинарли томони, амалдаги йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида кон бўйича бор-йўғи 55 — 60 тонна атрофида хомашё тайёрланганидир. Шу ва шунга ўхшаш оқсоқлик оқибатида бултур ҳам режа уддаланмаган эди. Ўтган 1998 йилда кон бўйича ҳаммаси бўлиб 8 минг тонна чиннибоп маҳсулот тайёрланган ҳам аҳволнинг нечоғли мураккаблигидан далолат беради.

Биз юқорида қарздорлик, иқтисодий танглик хусусида фикр юритдик. Хўш, бу каби салбий ҳолат билан Хатирчи тумани, қолаверса Навоий вилоят ҳокимлиги қандай муроса қилиб келаяпти? Ёхуд Лангар кони учун бевосита жавобгар бўлган «Ўзқурилишматериаллар» компанияси-чи? Хуллас, масала чигаллиги нафақат вилоят ҳокимлигининг, балки республика вазирликлари диққат марказига чиқди. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокими Ғайбулла Дилов, «Ўзқурилишматериаллар» компанияси раиси Муҳаммадамин Низомов ташаббусни ўз қўлига олиб, кон бошқарув тизимида қатор ўзгаришлар қилди. Ҳатто, Лангар кони ва посёлкасини 2000 йилда тўлиқ газлаштириш бўйича вилоят ҳокимлиги қарори ҳам чиқди. Неъмат Бобобеков, Хушмамат Турсунов, Дилмурод Қобулов, Икром Муқимов каби етук мутахассис кадрларнинг конда раҳбар сифатида иш бошлаши калаванинг учини топишга асосдир балки. Айниқса, талабчан муҳандис, жонкуяр ташкилотчи Икром Дўстбоевичнинг Лангар акциядорлик жамиятига раис этиб сайланиши муаммолар ечимида асосий мезон бўлиб хизмат қилар. Ва шундай бўлди ҳам. Олти ойдаёқ ишчилар ижтимоий ҳимояси, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Шу билан бир қаторда кон хомашёсига талабгор бўлган шартномачилар билан ишлашда, кон асбоб-ускуналарини янгилашда, хориж технологияси асосида янги цех ва линиялар очишда фидойилик кўрсатилди. Шунга қарамай:

— Жамиятимизни инқирозга рўпара қилган бирдан-бир восита ёқилғи тақчиллигидир,— дейди жамият раиси Икром Муқимов.—Биз минг тонна бирламчи хомашё «шпат» ишлаб чиқариш учун камида 60 тонна техник ёқилғи ишлатамиз. Бунинг устига ишнинг белига тепадиган яна бир чигаллик бу — электр энергияси сарфидир. Корхонамиз электр энергиянинг ўзидан ойига 1-1,5 миллион сўм зарар кўраяпти. Чунки Лангар посёлкасида истиқомат қилувчи 3 минг нафар аҳоли сарф қилаётган энергия харажатлари ҳам бизнинг корхона зиммасида. Оқибатда даромадимиз буромадларга етмай қолаяпти.

Дарвоқе масала ойдинлашдиқолди. Лангардаги ечимталаб муаммолардан биринчиси бу посёлка ва конга табиий газнинг тез орада олиб келинишидир. Агар табиий газ келтирилса умумий харажатлар 50 фоизга қисқаради.

Қиссадан ҳисса шуки биз ушбу танқидга, журналист текширувига тегишли ташкилотлардан жўяли жавоб кутамиз. Акс ҳолда Лангар конидаги зилу-замбил энг оғир муаммоли «лангарлар» ҳали кўтарилмайди. Улар кўтарилмас экан биз ҳикоя қилган «Улкан кема» ҳаёт ва ишлаб чиқариш уммонида равон сузолмайди. Равон сузмаган кемани тўфонлар ғарқ қилиши муқаррар.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бу дунёнинг ишлари

Чеченистонлик жиноий гуруҳ гаровга олинган польша лик икки олиманинг ҳар бири учун бир миллион АҚШ долларидан пул талаб қилмоқда, деб ёзади Польшанинг "Речь Посполита" газетаси.

Профессор Зофия Фишер-Малановская ва доцент Эва Мархвиньска-Вирвал 9 август куни Доғистонда ўғирлаб кетилган эди. Улар уч ойдан бери жиноятчилар қўлида гаровда сақланмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳозир улар ака-ука Аҳмадовлар томонидан, Урус-Мартандаги уй ертўласига яширилган.

***

Босния ва Герцеговинага киритилган халқаро кучлар ўчдан бирга қисқартирилади. Мазкур қўшинга раҳбарлик қилаётган Роналд Адамс келаси йилнинг апрелигача бу ерда йигирма минг нафар ҳарбий қолиши мумкинлигини айтди. Босния ва Герцеговинада барқарорлик тобора мустаҳкамланмоқда ва эндиликда мамлакатда катта миқдордаги ҳарбийларни сақлашга эҳтиёж йўқ, деди Р.Адамс.

Маълумотларга қараганда, ҳозир бу ерда дунёнинг 40 мамлакатидан йиғилган 30 минг нафар ҳарбий хизмат қилмоқда.

***

Чеченистоннинг Россия федерал қўшинлари назорати остидаги Наурск шаҳарчаси мактабларидан бири жангарилар томонидан ёқиб юборилди. Наурсклик болалар ўқиётган бу мактаб 1 ноябрь куни очилган эди.

Шимолий Кавказдаги федерал кучлар бу ҳодиса бўйича текширув ишлари олиб бормоқда.

(ЎзА)

Бу дунёнинг ишлари

Ўзбекистон гўзали

Пойтахтда Аёллар йилига бағишланган «Мисс Ўзбекистон —99» биринчи республика гўзаллик кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида саралаш босқичидан ўтган 25 қиз иштирок этди. Танлов чоғида қизларнинг гўзаллиги ҳисобга олинди. Лекин асосий мезонни уларнинг заковати, ибоси, тарбияси ҳамда мамлакатимиз, халқимиз тарихи ва анъаналари, урф-одатларини қай даражада билишлари ташкил этди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган матбуот конференциясида айтилганидек, қизлар финал босқичига қадар бир қатор тадбирларда фаол иштирок этишди. Чунончи, ҳайрия мақсадларида 21-болалар уйида бўлиб, кўрик ҳомийлари совғаларини топширдилар. Илк бор ўтказилган бундай тадбир «Гўзаллик дунёни асрайди» руҳини акс эттирди.

Алишер БЕК

Суратда: «Мисс Ўзбекистон—99» кўригининг ғолибаси Камола Ғуломова.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

Тарихимиз саҳифалари

1991 — 1999

1994 йил

10 сентябрь —Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар режаси тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

21 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда партиямиз Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг котиблари ва Республика Олий Кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишда XV чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан Марказий Кенгаш биринчи котибининг ахбороти тингланиб, шу масала бўйича Ўзбекистон ХДПнинг нуқтаи назари аниқлаб олинди. Мажлисда Тошкентдаги «Ўзэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилотининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш бўйича иши тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

30 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги XII пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойини чақириш ҳамда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойини 1994 йил 1 ноябрда чақиришга қарор қилди. Қурултой делегатларни сайлаш тартибини, қурултойни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши комиссияси таркибини тасдиқлади.

Сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари биринчи ва иккинчи котибларининг семинар кенгаши бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари Марказий Кенгаш биринчи котибининг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари» мавзусидаги маърузасини тингладилар.

Сентябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов Вьетнамнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуэн Ван Дагни, унинг илтимосига кўра, қабул қилди. У партиямиз ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга қўшаётган ҳиссаси ҳамда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлажак сайловларга кўрилаётган тайёргарлик тўғрисида сўзлаб берди.

Сайлов ва сайловчи

Мустақил мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарларида бўлажак сайловлар ҳозирлиги аниқ, режали бормоқда. Фуқаролар фаоллиги ортмоқда.

Омон МАМАДИЕВ,
Тошкент аграр университети ўқитувчиси:

— Яқинда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис ва Республика Президенти сайловлари жараёни қизғин кечмоқда.

Бу эса вақтли матбуот нашрларда, телевидение ва радиода ўз ифодасини топмоқда. Ўқитувчи сифатида менинг тушунчам шуки, биз овоз бераётган номзодни тўлалигича шу пайтгача ва келажакда қилган ишлари, режаларини кўпроқ таҳлил қилиш керак деб ўйлайман. Бугунги талаба ёшлар депутатлар ва Президентни илк бор сайлайдилар. Улар шу бешта сиёсий партиядан қўйилган номзодларни келгусида қиладиган иш режаси билан танишиб ва кузатиб, борсалар фойдадан ҳоли бўлмайди.

Зулфияхон АБДУРАҲМОНОВА,
Андижон шаҳридаги «Маориф» маҳалласидан, толиба, сайловларда биринчи марта қатнашади:

— Мамлакатимизда бўлажак сайловлар ҳақида отаонамдан —сўрадим. Маҳалламиздаги ташаббускор гуруҳ фаолларига учрадим. Улар Ўзбекистон Олий Мажлис депутатлигига ҳамда мамлакатимиз Президенти сайлови ҳақида гапириб беришди. Сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқи, масъулиятли бурчи тўғрисидаги тушунчам ортди. Билганларимни тенгдошларимга етказиш ниятидаман.

Биринчи марта бундай катта қўламли муҳим тадбирда фаол иштирок этиши фуқаролик бурчимни муваффақиятли бажариш ҳақ-ҳуқуқимдан ўринли фойдаланиш ҳаракатидаман.

Ёзувчилар пахта далаларида

Хоразм деҳқонлари маррага етди

Катта тантаналар, яъни улуғ саркарда Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги ва буюк Оғаҳийнинг 190 йиллиги шодиёналари арафасида Хоразм бир йўла икки жабҳада — ҳам юбилейларга шайланиш борасида, ҳам йиғим-теримда жонбозлик кўрсатмоқда. Хоразм катта юбилейларга тайёр. Биз уни ўз кўзимиз билан кўриб беҳад қувондик. Жалолиддин жасорати ва матонатига мос даражада боғу роғ яратиб, унинг мангулигини ифода қилган ҳайкал тиклаб, улуғ тўйга муносиб тўёна тайёрлаётган Хоразм пахтакорлари, шоликорлари, лавлагикорлари ҳузурига равона бўлдик.

Мангуберди жасорат майдонидан тўппа-тўғри Хоразмда машъал туман ҳисобланган Янгариқнинг байроқдор «Гулистон» ширкат хўжалиги чегарасига кираркамиз, далани бошига қўтаргудай жарангдор қўшиқ айтиб пахта тераётган қизлар гуруҳига дуч келдик. «Хорманг — бор бўлинг» салом-аликдан сўнг пахтакор қизлар қуршовида қолдик. Хоразм қизлари ҳам асл воҳа йигитлари янглиғ шўх ва дилкаш бўладилар. Ёзувчи, шоирлар ҳаёти ҳақида сўроқлай кетдилар. Биз уларга мустақиллигимизни куйлаб, хизмат қилаётган шоирларимиз, адибларимизнинг меҳнати, бинобарин, бугунги адабиётимиз хусусида гапириб бердик.

Маълум бўлдики, пахтакор қизларимиз ёзувчи, шоирларни кўрмоққа, ўз оғзидан лутф ва шеър эшитмоққа ҳумор эканлар. Пахтазорда Ўзбекистон Қаҳрамонлари бўлмиш Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеърлари янгради. Шеърият ишқибози бўлмиш бир теримчи қиз:

— Ошиқ Эркин ўзи нима деркин?! — деб шоирга кўз қадаб туриб олди.

«Ошиқ Эркин ҳам шеър айтади», — дедик-да, муҳаббат, садоқат ва эзгулик ҳақидаги Ошиқ Эркин шеърлари ўқилди. Баъзи қизлар шоирга жўр бўлиб шеър ўқиётгандай завкланиб, тебраниб турдилар.

Қисқа, лекин мароқли, мазмунли адабий учрашувдан кейин, ширкат хўжалиги ишлари билан танишдик. Хўжалик 801 гектар ерга пахта экиб, ёзда яхши ишлов бергани учун вилоятда биринчи бўлиб эрта кузда шартнома кўрсаткичларини ортиғи билан бажарибди,

— Моддий манфаатдорликда хосият кўп экан, — дейди ширкат хўжалигининг раиси Отабек Бекжонов. — Ерларни пудратчиларга бўлиб бердик. Улар ҳар бир қарич ерни бошини силагандай яссилаб, ҳар бир туп ғўзани ўз фарзандини оқ ювиб, оқ тарагандай парваришлаб, кечакундуз атрофида парвона бўладилар.

Янгиариқ туманида ҳамма ўзини пахтакор, деб эълон қилди ва ёшу қари далага чиқди. Туманнинг барча ташкилотлари ходимлари, аҳолиси ҳашарга чиқиб, этак тутиб пахта термоқда. Уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун артистлар, ҳаваскорлар гуруҳлари далама-дала концерт бериб юрибдилар. «Нуроний», «Камолот» жамғармалари, маданият бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Хива тонги» газетаси муҳарририяти ҳамкорликда жамоа хўжаликлари бўйлаб тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишди. Таниқли хонандалар тушлик пайтида пахтакорларга, ҳашарчиларга дилрабо куй-қўшиқлар, рақслар ижро этишди.

Шоир Ошиқ Эркин, Матназар Абдулҳаким, хонандалар ва раққосаларнинг чиқишлари давраларга завқ-шавқ бағишлаб, уларни тоза ва сифатли пахта теришга, тезроқ хирмонларни пудратчиларга бўлиб бердик. Улар ҳар бир қарич ерни бошини силагандай яссилаб, ҳар бир туп ғўзани ўз фарзандини оқ ювиб, оқ тарагандай парваришлаб, кечакундуз атрофида парвона бўладилар.

Янгиариқ туманида ҳамма ўзини пахтакор, деб эълон қилди ва ёшу қари далага чиқди. Туманнинг барча ташкилотлари ходимлари, аҳолиси ҳашарчилар бунёд этишга руҳлантирмоқда.

Натижаси яхши бўлди. Тумандаги барча хўжалик, 2 минг 500 оилавий пудратчилар шартнома ва мажбуриятини ҳам бажариб бўлиб яна қўшимча пахта сотмоқдалар.

Сафаримиз Хивада давом этди. Қадимий ва ҳамиша навқирон Хива эли пахтакорлари Ватан, халқ олдида берган ваъдаларининг устидан чиқиб, давлатга пахта сотиш бўйича юртмасини муддатидан анча илгари бажардилар. Ҳар гектар ҳисобига 29,4 центнердан 24200 тонналик хирмон яратилди. Армуғон этилган ҳосил юқори навларга қабул қилинди. Хива «оқ олтин» хирмонини бунёд этишда зафар марраси бўйлаб ўтиб, ширкат етиб келган «Фероз», «Қорақум», Б. Нуруллаев, Оғаҳий, Р. Мадаминов, Беруний номли жамоа хўжаликлари пахтакорларининг ҳиссалари салмоқли бўлди.

Халқимизнинг буюк намояндаларидан Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги ва Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг 190 йиллиги кенг нишонланадиган ушбу йилда хиваликлар кучган ғалаба қўша тўйга муносиб армуғондир.

Хивадан сўнг Хонқа туманига ўтдик. Бу туман деҳқонлари эрта баҳорда 11 минг 120 гектар ерга чигит экиб, барвақт униб чиққан ғўзаларни тез ва соз парваришдан ўтказдилар. Натижада ғўзалар текис ва бақувват бўлиб, пахтаси ҳам эрта етилди. Пахта пишиб етилгач, йиғим-терим ишлари барча ерда уюшқоқлик ва жадал суръат билан олиб борилди. Пахта майдони жасорат майдонига айланиб кетди. Теримчилар кимўзарга жасорат кўрсатиб ишладилар.

Октябрнинг ўртасида хонқалик пахтакорлар давлатга 32 минг 700 тонна пахта сотиб, пахта тайёрлаш режасини ортиғи билан бажарди. Энг муҳими ва бошқалардан фарқи шундаки, бу туманнинг сотган пахтаси юқори навларга қабул қилинди. Биз кўрган далаларда ҳали ҳосил кўп, биз суҳбатлашган теримчиларнинг ғайрати жўшиб турибди.

Шу куни уларга Тошкентдан икки автобусда меҳмонлар келиб қолишди. Хоразмликлар мустақиллик эълон қилинган йилдан бери Тошкентнинг Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси билан бордикелди қилади. Кимки Хоразмдан сессиялар, анжуманлар Тошкентга борса, Мирзо Улуғбек тумани кишиларининг меҳмони бўлади. Тошкентликлар ҳам Хоразм ёдгорликларини зиёрат этгани келса, Урганч ёки Хивага қўнақ бўлади. Бу гал Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси делегацияси Хоразм ёдгорликларини, айниқса, Жалолиддин Мангуберди ва Оғаҳий ёдгорликларини кўргани келган экан. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Юсупов бошчилигидаги маҳалла оқсоқоллари, олимлар, нуронийлар гуруҳи туман пахтакорларини бу йилги ғалаба билан табриклагани келган эканлар. Тошкентликлар Хонқа пахтакорларини қучоқлаб, оғизларидан бол томиб қутладилар.

Уларнинг қизғин табрикларига жавоб берар экан, туман ҳокими Қ. Ортиқов, сизларнинг келишингиз шарафига шу кунгача терилган пахта устига яна минг тонна пахта тайёрлаймиз, деди.

Хоразмда пахта терими бўшашгани йўқ. Ёғингарчилик ҳам уларнинг аҳдини сусайтира олмайди. Бунга катта ишонч билан қайтдик. Уларга омад тилаймиз!

Иброҳим РАҲИМ,
Ошиқ ЭРКИН

Ғалабанинг ўзи келмади

Хоразм деҳқони зафар марраси етди! Ватан ҳирмонига 290 минг тонна сифатли пахта етказиб берилди.

Ғалабанинг ўзи келмади — йил -ўн икки ой қилинган тинимсиз меҳнат самарасини берди. Ижарачилар, ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзолари, қўйингки бутун воҳа аҳлининг бу улкан хирмонда ҳиссаси бор.

«Хоразм деҳқонининг ҳар бир куни қаҳрамонликдан иборат! «Бу қанотли сўзлар Президентимизнинг воҳанинг фидокор, ахди қатъий инсонларига берган юксак баҳолари. Қиш чилласида далаларга яҳоб суви берган, неча марталаб далага экология туфайли ёғилаётган тонналаб тузларни ювган, уч ой баҳорни, уч ой ёзни дала бошида — ғўза қошида бедор ўтказган сабрли, бардошли деҳқонга ҳамду сано бундан ортиқ бўлмас!

Мавсумда илғорлардан ҳам илғорлари топилди. Гурлан, Хива, Хонқа, Шовот туманлари пахтакорлари улоқни олиб кетишди. Бир ой — қирқ иш кунида кўзланган хирмон уйилди. Кузнинг илиқ, ёмғирсиз ҳар бир кунидан унум билан фойдаланилди.

— Бу йил мавсумда ғўзанинг «Меҳнат», «Меҳр», «Ҳазина» ва «Хоразм» — 127 навларини экдик, синовдан ўтказдик. Ҳосилдорлик айрим далаларда қирқ беш центнердан ошди, — дейди Боғот тумани «Боғот» ширкат хўжалиги раҳбари, «Ўзбекистон Қаҳрамони» Машарип ака Қувоқов. Қаҳрамон бош бўлган хўжаликда иккита «Кейс» пахта териш машинаси хўжалик етиштирган умумҳосилнинг чорак қисмини териб берди. Сўнгги беш- олти йилда илк бор яна далаларга терим машиналари киритилди.

Ғалабанинг ўзи келмади — кузнинг сўнгги кунларида ҳова қилиқ кўрсатди, ёмғир ёғди, ҳарорат пасайди. Аммо, буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди бобомизнинг қутлуғ тўйи нишонланаётган паллада мезбонлар байрамга ёруғ юз билан келдилар.

Қўшалоқ байрамлар муборак бўлгай!

(Ўз мухбиримиз)

Шеробод туманида тажрибали чўпон Чори бобо Назаровни ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Чори бобо кўпни кўрган, турмушнинг оғир енгилига бардош берган, яхшиларга ҳавас, ёмонлардан ҳазар қилган кишилар тоифасидандир. Чори бобо чўпонлик касбида 45 йилдан бери ишлаб келади. У кексалигига қарамасдан тумандаги И. Муродов ширкат хўжалигида 377 бош қорамол ва 702 бош ҳисори қора қўйларни Шеробод тоғи этакларида боқмоқда. Бу ишда унга ўғиллари Нормўмин, Менглибой, Нурбой ва Шуҳратлар ёрдам берянти.

Жорий йилда Чори бобо 370 та ҳар бош она совлиқдан 1 тадан қўзи олди. Шу билан бирга давлатга 15 тонна гўшт топширди.

Суратларда: ***Чори бобо қўй-қўзилари билан яйловда.***
Чори бобо ва Қурбоной момо анорзорда.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Журналист текшируви

Бедаво даъвогарлар

... Таҳририятга шикоят хати ёзган Хоразм вилояти, Хазорасп туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг 14-бригадасида яшовчи фуқаро Собиров Эркинбой, мана етти ойки, Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот шаҳрига қатнаб (оралиқ масофа салкам уч юз эллик километр) аммо дардига қулоқ соладиган одам топилмаганидан нолийди. Шунингдек, шериклари Абдурахмонов Олимбой, Ниёзов Улуғбек, Хўжаниёзов Бахромнинг ҳақли сўзлари, эътирозларини тинглайдиган мард бўлмаган.

Воқеа бошламаси бундай: юқорида эслатилган йигитлар ҳамда Авезов Ҳакимбой шу йилнинг февраль ойи охирларида Россиянинг Воронеж шаҳрига бориб енгил машиналарнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда 10,8 метр куб ёғоч харид қилишади. Шерикликда харид қилинган ёғоч ҳамда ҳар ким алоҳида харид қилган (эҳтиёт қисмлари қаердан харид қилингани ҳақда расмий ҳужжатлари мавжуд) эҳтиёт қисмларни Хоразмга етказиб келтириш учун юк машинаси ёллашади ва машина ҳайдовчиси ёнида кузатувчи ва юкка жавобгар сифатида Авезов Ҳакимбой қайтишига келишади. Авезов Ҳакимбой бу юкни давлат чегарасидан божхона тўловларини тўлаб манзилга етказишга ваъда беради ва бунинг учун унга етарли миқдорда Россия рубли ҳам беришади. Тўрт йигит поезд билан ортга қайтадилар .

Авезов Ҳакимбой фақат ёғочгагина божхона тўловларини тўлайди ва эҳтиёт қисмларни эса яширин йўл билан олиб ўтмоқчи бўлади , аммо Қўнғиротдаги 4-божхона ходимлари ҳушёрлиги туфайли юк манзилга етиб келмади. Қисқаси , давлат чегарасидан юкларни яширин йўл билан олиб ўтишга уринган учун Авезов Ҳакимбой устидан жиноий иш қўзғатилади ...

Ниҳоят, 1999 йилнинг 15 июнь куни суд мажлиси бўлиб ўтади. Авезов Ҳакимбой устидан ҳукм чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги амнистиясига биноан у жазодан озод қилинади. Аммо Олимбой Абдурахмонов: «Мен судга мулкий ёки фуқаровий даъвогар у ёкда турсин оддий гувоҳ сифатида қатнашганман. Мен ушбу сўзларни тергов жараёнида айтганман. 14 июнь куни Собиров Эркинбой билан биргаликда Боғот алоқа бўлимидан судга телеграмма жўнатдик...»

Улуғбек Ниёзов: «Биринчи судда Авезов Ҳакимбойнинг адвокати ҳам менга дўқ-пўписа қилди.

Мен судда мулкнинг бизга тегишли қисмини қайтариб беришларини илтимос қилдим. Суд эса ўз билганича ҳукм чиқарди. Гўёки товарнинг бизга тегишли қисми ҳам Авезов Ҳакимбойнинг мулки сифатида давлат ҳисобига мусодара қилинган.Мен айтган сўзлар суд раиси котибаси томонидан ўзгартириб ёзилган ва гўёки «даъвом йўқ» деганман...»

Баҳром Хўжаниёзов: «Мени ҳатто судда оддий гувоҳ сифатида қатнаштиришни лозим топишмади. Менга суд чақирув қоғози юборилмадилар. Ҳолбуки, мен Э.Собиров, У. Ниёзов, О. Абдурахмоновлар билан биргаликда Россиядан эҳтиёт қисмларни биргаликда харид қилганмиз. Бу тўғрида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида аниқ тушунчалар берганман. Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб меҳнатларим эвазига топган моддий мулкларим тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда мени судга умуман чақиришмади. Уларнинг эътирозларича, суд мажлисида (ҳукм чиқарилган 15 июнь куни эмас, балки бир ҳафта муқаддам бўлиб ўтган суд мажлисида!) «ҳеч кимга даъво-жанжалим йўқ, мулкларимдан воз кечдим» деб айтишмаган, аксинча мулкнинг ўзларига тегишли бўлган қисмини рўйхатдан чиқариш ёки ундириб бериш ҳақида даъво қилишган. Кимга ишониш керак?!

Юқорида эслатилган телеграмма мазмуни нимадан иборат? Шу ўринда мазкур телеграмма мазмуни ва у атрофида машмашаларни ойдинлаштиришга тўғри келади.

«Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот шаҳар судига.

Сизнинг иш юритувингизда Жиноят Кодексининг 182-моддаси, 2-қисми билан айбланувчи Авезов Ҳакимга нисбатан бўлган жиноят иши кўрилмоқда. Лекин шу ишнинг тергови давомида баъзи ҳолатлар ҳисобга олинмаган. Жумладан, далилий ашё сифатида олинган товарлар фақат Авезовга тегишли бўлмасдан, бизнинг товарларимиз ҳам бор эди. Лекин, бизнинг товарларимизнинг ҳужжатлари бор эди ва Авезовга ўхшаб божхона қоидаларини бузган эмасмиз. Аксинча, у бизга шу товарларни қонуний олиб боришга ваъда берган ва келишган. Биз, шахсан, мен ишда фуқаролик даъвогари бўлишим лозим эди. Бу ишдан, менга Авезовнинг қилмишидан жуда катта моддий зарар етяпти.

Яна шу товарлар орасида 123 дона ёғоч ҳам бор эди. Шу ёғочлар иш судда ҳал бўлмагунча сотиб юборилган. Бундан ўзимизга тегишли қисмини кимдан ундирамиз?

Мана шу масалаларни қонуний ҳал қилмагунимизча суд жараёнини тамомламаслигингизни сўрайман.

Собиров Эркинбой.

Суд котибаси Кумушбиби Тонготарова: «Суд 15 июнь куни эрталаб соат ўнда бошланди. 13 ва 14 июнда гувоҳлар келмагани учун суд кечиктирилганди. Тушдан сўнг ҳукм ўқилди. Телеграмма эса тамом бўлгандан сўнг етиб келди. Ўша кунги суд мажлисида гувоҳлар «Ҳеч бир даъвомиз йўқ» деб кўрсатма бердилар».

Туман суди канцелярия бўлим мудираси ҳам котибанинг сўзларини айнан такрорлаб, телеграмма суд мажлиси тугаганидан сўнг келганини айтади.

Аммо, шаҳар алоқа бўлимидаги масъул ўртоқлар бизга телеграмма 14 июнь куни соат 18ларга яқин келгани ва кечқурун элтиб бериш имкони йўқлигидан 15 июнь куни эрталаб соат 09.15 да судга элтиб топширишгани ҳақида маълумот беришди.

Суд кўриб чиққан «Иш» ниҳоясида тикиб қўйилган телеграмма нимани ўзгартириш мумкин эди? Бунга эътибор бериш, бермаслик суд ҳайъатининг иши. Аммо, нима учун суд котибаси ва канцелярия мудираси бизни алдашга уринишяпти!

Даъвогар-гувоҳларнинг суд ҳукмидан норози бўлиб ёзган 18 июндаги шикоят-аризасини кўриб чиққан республика Прокуратураси масъул ходими ҳам ҳукмдаги «Даъвом йўқ» жумлаларига ишонган ва телеграммага эътиборсизлик билан қараган. Суд ҳукми ўз кучида қолдирилган.

Қизиқ, нима учун телеграмма ўз вақтида етиб келгани яширилянти? Чунки, суд раиси ёки прокурор ёрдамчиси судда кўрсатма бераётган гувоҳлардан «Нима учун кеча бу мазмунда телеграмма жўнатдингизлар, нима даъволарингиз бор?» деб сўраши керак бўларди-да! Ёки ҳақиқатдан ҳам шу куни судда иштирок этган гувоҳлар кеча жўнатган телеграммаси келганикелмаганини суриштиришган бўлардилар? Уларнинг айтишларича, бир ҳафта муқаддам кўрсатма берганларидан сўнг суднинг навбатдаги мажлисига қатнашишлари шарт эмаслиги эслатилган.

Суд котибаси Тонготарова «Суд фақат бир кун бўлиб ўтди!» деганида рост айтдими-йўқми!

Тўрт миллион сўмликдан зиёд моллари бировнинг сохта ваъдаси туфайли давлат фойдасига мусодара қилиниб кетганидан хабар топган тадбиркорлар нажот истаб, Қорақалпоғистон суд-ҳуқуқ идораларига бир неча марталаб ёзма мурожаатлар қилишади, телеграммалар жўнатишади. Аммо, ўтган шунча фурсат давомида бирорта жавоб хати олишмади.

Ўтган етти ойда мулкидан ҳамон кўнгил узмаган фуқаролар узоқ, масофага неча марта қатнаб, қолган-кутган пулларидан ҳам айрилишди. Уларга етказилган маънавий-моддий зарарни ким тўлайди?

...Қўлимиздаги шикоят-аризани ўрганиш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бўлдик. Қорақалпоғистон Республика прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Давлатёр Худойберганов даъвони энди фақат фуқаролик тартибида кўриш мумкинлигини маслаҳат берди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи суди раиси Бекниёз Матниёзов эса қўлимиздаги аризани ўқиб чиқишга вақт тополмади...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Сайлов ва сайловчи

Эргашбой ота ВАЛИЕВ,
Шаҳрихон туманидаги Чўнтак қишлоғилик тўқсон ёшли нуроний:

— Кеча қишлоғимиз мактабига чақиришди, чиқдим. Муаллимлар сайловлар йўсинида анча маънили гапириб беришди. Ўтмишнинг асорати — расмиятчилик йўқолаётганидан кўнглим яйради. Ёшу кексалар учун шундай мазмунли йиғин ташкил қилганларни дуо қилдим.

Набирамга сайлов участкасига олиб боришни тайинладим. Яратганнинг ўзи сайловлар кунига соғсаломат, қўплар қатори етказсин, иншооллоҳ. Муносиб номзодларга овоз бераман.

Муҳиддин ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Асака шаҳар кенгашининг иккинчи котиби:

— Сайловлар арафасида бажарадиган ишларимиз қўлами аниқ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, шаҳар, вилоят кенгашлари депутатлигига сайловлар ҳамда мустақил мамлакат Президенти сайлови тадбирларининг изчил бажарилишида фаол қатнашяпмиз. Партиядошларимиз, фуқаролар ким учун овоз беришни, қайси номзодни қўллаб-қувватлашни биладилар. Сайловчиларни ташаббускор, билимли муносиб номзодларга овоз беришга даъват қиляптилар.

Бўлажак сайловлар кўплар қатори партиядошларимиз учун ҳаётий синов, демократия ва адолат тантанасига айланишига аминман.

Андижонда бўлажак сайловларга ҳозирлик ҳар қачонгидан кўтаринкилик билан боряпти. Сайловчилар бу муҳим сиёсий тадбирда фаоллик билан иштирок этиш ниятистакларини изҳор этяптилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тарихимиз саҳифалари

1991 — 1999

1994 йил

1 октябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг «Ўзэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилотининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш бўйича иши тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

6 октябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республика жамоа ташкилотлари билан сайловолди ҳамкорлиги тўғрисида»ги қарорининг баёни матбуотда эълон қилинди.

7 октябрь. Партия Низомига ўзгартиришлар киритиш бўйича Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми қарорига биноан тузилган ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Партия ходимлари, таниқли олимлар, жамоат арбобларидан иборат гуруҳ аъзолари иштирок этган мажлисда Ўзбекистон ХДПнинг муҳим ҳужжатига киритиладиган ўзгартиришлар тўғрисидаги дастлабки фикр-мулоҳазалар билдирилди, жойлардан тушадиган таклифларни қай тарзда умумлаштириш ҳақида келишиб олинди.

15 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис сайловида қатнашишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлажак сайловлар муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми партиямиздан Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифларни ўрганиш ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги қарори ва мазкур ишчи гуруҳнинг таркиби матбуотда эълон қилинди.

29 октябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг партия ташкил топганлигига уч йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари ва барча аъзоларига Табрикномаси матбуотда эълон қилинди.

31 октябрь. Ўзбекистон халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XIII пленуми бўлиб ўтди. У Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалоловнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан ахборотини тинглаб, тегишли қарорлар қабул қилди.

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор.)

«Алпомиш» қаҳрамонлари

1. Алпомиш.
2. Барчиной.
3. Бойбўри.
4. Бойсари.
5. Барчинойнинг энаси.
6. Кунтуғмиш янга (Алпомишнинг энаси).
7. Қалмоқшоҳ.
8. Қоражон.
9. Қалдирғоч.
10. Суқсурой.
11. Қултой бобо.
12. Кайқубод.
13. Сурхайил мастон.
14. Кўкалдош.
15. Кўкаман.
16. Кўккашқа.
17. Бойқашқа.
18. Тошқашқа.
19. Қўшқулоқ.
20. Яртибой оқсоқол.
21. Кўса синчи.
22. Ойқашқа полвон.
23. Бектемир бойвачча.
24. Тойчихон.
25. Бодом чўри.
26. Ултонтоз.
27. Ёдгор
28. Товка ойим
29. Анқа полвон
30. Хизматкор қул
31. Жиловдор
32. Маларой
33. Фармонқул баковул
34. Фармонқул баковулнинг хотини.

«Алпомиш»ни бадиий юксак савияда куйлаган ўзбек бахшилари

1. Фозил Йўлдош ўғли. 13 минг 715 мисра.
2. Пўлкан шоир. 5 минг 855 мисра.
3. Берди бахши. 2 минг 952 мисра.
4. Саидмурод Паноҳ ўғли. 1 минг 755 мисра.
5. Бекмурод Жўрабой ўғли. 4 минг 530 мисра.
6. Зоҳир Кўчқор ўғли. 9 минг 972 мисра.
7. Умур Сафар ўғли. 6 минг 36 мисра.

«Алпомиш» жами 20 бахшидан бир мартадан тўлиқ, айрим шоирлардан эса парчалар ёки достон мазмуни ёзиб олинган.

Ҳаммаси бўлиб асар 30 бахшидан 35 марта ёзиб олинган.

«Алпомиш» ҳақида тадқиқотлар

1. Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т. Узбекский героический эпос. М., 1947.
2. Об эпосе «Алпомыш». Сборник. Ташкент, 1959.
3. Жирмунский В.М. Сказание об «Алпамыше» и богатырская сказка. Москва, 1960.
4. Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. Тошкент, 1968.
5. Немис олими Карл Райхл 1984 йили Германиянинг Бохум шаҳрида чиққан «Туркология материаллари»га «Алпомиш» юзасидан ишларини киритди.
6. Турк олими Ҳалим Паксой 1989 йили инглиз тилида тадқиқот эълон қилди..
7. Словак элшунос олими Ян Комаровски «Алпомиш»ни русча таржима асосида насрий йўл билан ўз тилига ўгирган ва асар ҳақида мақолалар эълон қилган.
8. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Биринчи китоб. Сурхондарё талқини. Тошкент 1999.

Буюк халқнинг буюк ижоди

Ўтаётган ҳар бир кунимизда мамлакатимиз ва халқимиз тарихига кирадиган бирор муҳим воқеа содир бўлмоқда. Чиқарилаётган Фармон ва қабул қилинаётган қарорлар ҳам шундай воқеалар сирасига киради. Бу — мустақил ривожланишимиз самараси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори юртимизда содир бўлаётган ана шундай долғали ўзгаришлар оқимида алоҳида ўрин тутадиган мислсиз воқеа бўлди. Шунинг учун ҳам уни халқ, хусусан, илмий-ижодий жамоатчилик катта хайрихоҳлик билан кутиб олди...

Фольклоршунослигимиз тарихида биринчи марта бундай кенг кўламли қарор қабул қилинишининг аҳамиятини идрок этиш учун яқин ўтмишни эслаш кифоя. Узоқ эмас — 1952 йили «Алпомиш» достони қатағон қилиниб, уни ўқитиш, у ҳақда ёзиш ман этиб қўйилган, достон ҳақида тадқиқотлар олиб борган олимлар қувғин остига олинган эди. Узоқ йиллар давомида бундай ғайриилмий, ғайриинсоний ҳаракатларнинг олдини олиш жуда оғирлик билан кечди. Ҳатто, достонни тўла ҳолда нашр этиш имкони ҳам бўлмади. Фақат юртимиз мустақил тараққиёт йўлига кирганидан кейингина бунга кенг имкониятлар очилди. Бугун эса биз - фольклоршунослар бир достон мисолида илмий-ижодий фаолиятимизнинг барча жиҳатларини қамраб олган дастурий қарорга эга бўлиб турибмиз. Бунга яна шуни қўшиш керакки, илгари ҳеч қачон халқ фахри бўлган бирор йирик умумхалқ байрами яратилиши санаси сифатида шундай кенг миқёсда нишонланмаган. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг»ининг 900, Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сининг 1000, Алишер Навоий «Хамса»сининг 500 йиллиги шунчаки - илмий-адабий жамоатчилик орасидагина нишонлаб қўйилган эди.

«Алпомиш» достони ўзининг барча жиҳатлари билан жаҳоннинг «Илиада», «Одессия», «Маҳобҳорат», «Рамаяна», «Шоҳнома» каби буюк эпослари билан бир қаторда турадики, бизнинг бу достонга юз буришимиз, умумхалқ байрами сифатида нишонлашимиз ўзимизни жаҳоний тафаккурга мослаётганимиздан, умумбашарий тараққиёт билан ҳамқадам ривожланаётганимиздан дарак беради.

Қарорда «Алпомиш» достонининг аждодларимиз ижодий даҳоси бебаҳо ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутиши таъкидланган, бу улуғ асарни ўрганишга бағишланган халқаро конференция ўтказиш кўзда тутилган. Зотан, қайси халқ ўз аждодлари қолдирган меросдан фахрланиб, жаҳоний миқёсда унинг қадрига етаётган бўлса, ҳеч қандай куч уни енга олмайди. Бундай халқ улкан ишлар қилиш, буюк келажак яратишга қодир. Ўзбек халқи ўлмас достонлари, беназир ёзма адабиёт намуналари, бугунги бунёдкорликлари билан ўзининг ана шундай халқ эканлигини амалда исботлаб келяпти.

«Алпомиш» байрами достоннинг тўла, академик, танланма нашрларини, хорижий тилларга таржималарини амалга ошириш, унинг сюжети ва мотивлари асосида театр спектаклари, адабий-бадиий композициялар, ҳужжатли, мультипликацион, бадиий, видео, телефильмлар яратиш, фольклор-этнографик кўргазмалар, замонавий дам олиш иншоотлари ва кичик спорт майдонларига эга бўлган «Алпомиш» боғларини ташкил этиш, почта маркалари, открткалар, конвертлар туркумини чиқариш, фольклор асарлари ижрочиларининг кўрик-танловларини, миллий спорт ўйинлари-Алпомиш ўйинлари фестивалини ўтказиш, «Ўзбек фольклори ёдгорликлари» 100 жилдлигини чоп этиш тайёргарлик ишлари билан уйғунлашиб кетди. Бу нарса халқ эпосининг тарихий асослари, сюжет тизимининг шакланиш босқичлари, достончилик мактабларининг асрий анъаналари ва бахши ижрочилигининг бугунги ҳолати муаммоларини, «Алпомиш» достони мисолида жаҳон халқлари, жумладан, туркий забон элу элатлар эпик ижодиётидаги генетик боғланиш, ўзаро алоқаларни ҳар тарафлама ўрганишга кенг имкониятлар яратди. Мамлакатимиздаги фольклор-этнографик дасталар, бахшилар, халфалар, лапарчилар, қўшиқчилар, халқ театри намояндаларининг ижодий равнақи учун шароит яратиб, уларнинг кўрик-танловлари, фестивалларини ўтказишда муайян изчиллик пайдо қилиш имконини берди.

«Алпомиш» достонини кенг ўрганиш - ўзлигимизни, ўз қудрат ва буюклигимизни англаш, деган гап. Маънавият соҳасида қабул қилинаётган бундай қарорлар бизни буюклик билан уйғундаштиради, ўз илдизимиздан куч-қувват олиб, дунёга янгича назар ташлашимизга даъват этади. Миллий-мустақиллик мафкураси ҳам, ўзликка боқишдан, ўз-ўзини танишдан бошланади. Чунки фольклор- миллат қиёфасини ўзида тўла сақлаб, бугунни ўтмиш билан чамбарчас боғлаб келаётган ўзига хос феномен. Қарорда «фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказиш» зарурлиги алоҳида таъкидланаётганлигининг боиси ҳам шунда.

«Алпомиш» юбилейининг ЮНЕСКО шафелигида жаҳон миқёсида нишонланаётганлигига халқимиз ижодий даҳосига берилган яна бир юксак баҳо, деб қараш керак.

Ахир, буюк халқ тушунчаси у етиштирган жаҳоний сиймолар, у яратган тафаккур дурдоналари билан белгиланади.

«Алпомиш» достони - шубҳа йўқки, буюк халқнинг буюк ижоди.

ТЎРА МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

«Хазон бўлиб, боғда гуллар сўлганда...»

Туркистон халқларининг мумтоз миллий қаҳрамонлари — Гўрўғли, Алпомиш, Манас, Ойсулув, Авазхон сингари сиймоларга хос хусусиятлардан бири шуки, бу одамлар доим ўз атрофларига эзу халқни йиғадилар, бу юртни обод, ҳаётни фаровон этадилар.

Ислом КАРИМОВ

Шўролар замони ижтимоий ҳаёти шармандали воқеаларга тўла. Туркий тилли халқларнинг бошқа эпослари қатори «Алпомиш» достонининг ҳам маданиятимиз тарихидан бадарға этилиши шулардан бири эди.

1948 йили «Звезда» ва «Ленинград» журналлари муносабати билан санъат ва адабиёт аҳлига қарши бошланган кураш тез орада халқ оғзаки ижодини ҳам ўз майдонига тортди. «Правда» газетасининг 1949 йилги 11 январь сонида эълон қилинган Л. Климович мақоласида икки атоқли олим — В.М. Жирмунский ва Ҳоди Зарифнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китоби адабиётшуносликдаги космополитизмнинг ёрқин кўриниши сифатида баҳоланди. Кўп ўтмай бу асар Москва, Ленинград ва Тошкентдаги илмий давраларда кенг муҳокама этилиб, «оқ калтак, кўк калтак» қилинди. Дастлабки мақоласининг мўлжалга аниқ текканидан илҳомланган олим «Дружба народов» журналининг 1951 йилдаги 4-сонида Озарбойжон халқининг «Китоби Дада Қўрқут» эпосига ҳужум бошлади. Ҳали бу мақоладаги фикрлар тарқалиб улгурмай, «Правда» газетаси мазкур эпосни зарарли асар, деб эълон қилди. Озарбойжон Коммунистик партиясининг ўша йил июнида бўлиб ўтган XYIII съездида Марказқўм котиби М. Бағиров «Китоби Дада Қўрқут»нинг зарарли моҳиятини «большевикларча принципиаллик» билан фош этди. Шу тарзда Озарбойжон ва Туркманистонда Дада Қўрқут тўғрисидаги халқ эпосларига қарши яширин кураш авж олди.

Мазкур кураш алангаси Ўзбекистонга жуда осон кўчди. В.М. Жирмунский мақолаларининг бирида «Китоби Дада Қўрқут»нинг таркибий қисми — «Бамси Байрак» билан «Алпомиш» эпоси маданиятимиз атрофида ўралашиб юрган унсурлар учун айни муддао бўлди. Улар дарҳол «Алпомиш»нинг «зарарли моҳияти»ни фош этувчи мақола ёзиб, Москва газеталарига юбордилар. Аммо бу мақола билимдон ва ҳалол мутахассисларнинг тақризлари туфайли ўша вақтдаги марказий газеталар томонидан қайтариб юборилди», деган фикрни билдирган. Ўзбек адабиёти ва халқ оғзаки ижодининг «кўча»сига ҳам кирмаган муаллифлар республика Марказқўм кўмагида ўз мақолаларини «Правда Востока» газетасида чоп эттиришга муваффақ бўлдилар. Шу тарзда 1952 йил 29 январда А. Абдунабиев ва А. Степановнинг «Алпомиш эпоси тўғрисида» деган шармандали мақоласи дунё юзини кўрди.

Тоталитар тузумнинг заҳарли нишлари бўртган 50-йиллар шароитида бирор олим ё ёзувчи ҳаётига зомин бўлиш учун уни марксизм-ленинизмни билмасликда айблашнинг ўзи кифоя эди. А. Абдунабиев билан А. Степанов ҳам халқ ижоди намунасини йўқ қилиши учун ана шу синалган усулдан фойдаландилар. Улар шу руҳдаги муқаддимадан сўнг, айни муддаога ўтиб, бундай ёздилар: «Алпомиш»нинг мундарижаси қандай? Ўзининг ғоявий йўналишига кўра, реакцион «Дада Қўрқут» эпоси билан «Алпомиш» ўртасида жуда кўп умумийлик бор. У асарда ҳам, бунисида ҳам меҳнат аҳлига ёт ғоя ва интилишлар тарғиб қилинади. «Алпомиш» достонида ижобий қаҳрамонлар сифатида ўз подалари билан Бойсун кўли атрофида жойлашган Қўнғирот уруғининг 16 қабиласига мансуб ҳукмрон табақа кўрсатилган. Қуллар бу подаларга ҳам, ҳукмронларга ҳам хизмат қиладилар. Эпоснинг марказий персонажлари — Қўнғирот уруғининг хони Бойбўри, унинг ўғли Ҳакимбек Алпомиш ва хоннинг туғишган укаси — қабилалардан бирининг бошлиғи Бойсари ва унинг қизи Барчиной...»

Шу руҳдаги «таҳлил»дан кейин муаллифлар достоннинг Фозил Йўлдошдан ёзиб олинган нусхаси халқ эпоси эмас, хонлар эпосидир, деган хулосага келганлар.

Ҳамид Олимжон «Алпомиш»ни 1939 йили нашрга тайёрлар экан: «Ўзбек халқининг ашаддий душманлари «Алпомиш» ва бунга ўхшаш қимматли халқ бадиий ижодларининг майдонга чиқишига тўсқинлик қилиб келдилар», — деб, уларга лаънат сўзларини айтган. Аммо орадан 14 йил ўтгач, шундай кишиларнинг набиралари ажойиб халқ эпосини машъум синфийлик нуқтаи назаридан баҳолаб, уни маданиятимиз боғидан юлиб ташламоқчи бўлдилар. Атоқли фольклоршунос ва адабиётшунос олимларнинг оғизларига талқон солиб юришга мажбур бўлганларини кўрган муаллифлар «Звезда Востока» журналининг 1952 йилги 2-сонида «Халқчиллик байроғи остида» деган янги мақола чиқардилар. Энди улар «Алпомиш» билангина чекланиб қолмай, «Зулфизар ва Авазхон», «Равшанхон», «Рустамхон» достонларидан ҳам сиёсий хатолар «топдилар».

Ўша йилнинг 21-22 марти кунларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказқўмининг X пленумида, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ушбу пленум қарорларини ўрганишга бағишланган умумий йиғилишида Марказқўм котибларидан бири олимлар олдига жамоатчилик қаҳр ғазаби ва нафратини «Алпомиш» достонига қаратиш вазифасини қўйди. 28 ва 31 март кунлари республика Ёзувчилар уюшмасида «Алпомиш» достонига бағишланган махсус муҳокама бўлиб ўтди. Муҳокамада талайгина ҳурматли олимлар қатнашганлигига қарамай, уларнинг аксари икки чаласавод муаллифни қўллаб қувватлаб чиқдилар. 50-йилларнинг миллий қаҳрамони деб ҳис қилган ёш аспирант эса ўзини ҳудди 1937 йилнинг «ҳакам»ларидек тутиб, «Алпомиш» ва уни тарғиб-ташвиқ этган сиймоларни тарихнинг шармандали устунига михламоқчи бўлди: «Шундай қилиб, — деди у, — «Алпомиш» достонининг маддоҳларини ўзбек халқининг савияси ва ғоявий йўналиши учун ёт бўлган, халққа қарши асарни тарғиб қилишида айблаймиз! Биз Жирмунский , профессорлар Бертельс ва Климовичга, космополит Зариповга, ёзувчилар Мақсуд Шайхзодага, Собир Абдуллага, фольклоршунос Богдановага, доцент Афзаловга, шоир Пеньковскийга сиёсий айб қўямиз! Улар ваҳший ва шафқатсиз кимсаларга хос, аммо ҳар қандай меҳнат аҳлига ёт бўлган хунрезлик, қотиллик, ўғрилик, зўравонлик ва талон-торожликни меҳнаткаш ўзбек халқига унинг асрий удумлари сифатида ёпиштирмоқдалар...»

1937 йил руҳидаги бундай даҳшатли айблар олим ва ёзувчилар бошига ҳам балолар ёғдириши ҳеч гап эмас эди. Мақсуд Шайхзодани НКВД ертўласига олиб келган айбномалардан бири ҳам шу эди.

Хуллас, ўша йилларда ажойиб оғзаки ёдгорлик — ўзбек халқи бадиий даҳосининг нодир намунаси шу тарзда бадном этилиб, маданиятимиз хазинасидан, вақтинча бўлса ҳам, улоқтириб ташланди.

«Алпомиш» достонида кишилар ҳаётидаги мудҳиш воқеалар рўй берган вақт:

Хазон бўлиб,
боғда гуллар сўлганда,
Жон жасаддан
бир беқарор бўлганда, —

деган сатрларда ўз ифодасини топган.

Халқ достонига тавқи лаънат босилган йиллар ҳам ана шундай — «хазон бўлиб, боғда гуллар сўлган» замон эди.

Бугун ноёб бойлигимиз «Алпомиш» достонининг минг йиллигини тантана қилар эканмиз, ана ўша мустабид тузум зуғумларини эсламаслик мумкин эмас. Бу ҳозирги ҳур замонамизнинг қадрига етиш учун жуда керак.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Пешвоз чиқ, Алпомиш келди!



Бозорбой ЖУМАБОЕВ чизган сурат

«Алпомиш»да тилга олинган жўғрофий номлар

1. Арпали кўли.
2. Асқар довони.
3. Аччи(қ) кўл.
4. Бобир кўли.
5. Бобохон тоғи.
6. Бойсун музофоти (юрти, эли)
7. Кашал юрти (эли).
8. Кўкқамиш кўли.
9. Мурод тепа.
10. Ойна кўли (Ойкўл).
11. Олатов (Олатоғ).
12. Самарқанд.
13. Тойчи вилояти.
14. Чилбир чўли (дашти).
15. Чин— Мочин.
16. Янгибозор.
17. Қалмоқ музофоти (юрти, эли).
18. Қўнғирот юрти (эли)
19. Қўқон

«Алпомиш» бўйича ёқланган диссертациялар

1. Тўра Мирзаев. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. Номзодлик диссертацияси. Тошкент, 1965.
2. Саодат Йўлдошева . «Алпомиш» достони поэтикаси. Номзодлик диссертацияси, Тошкент, 1984.
3. Исомиддин Ёрматов. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси. Докторлик диссертацияси. Тошкент, 1994.
4. Комил Жўраев. Шеърий таржималарни адабий ва фольклор алоқалари контекстида қиёсий ўрганиш (Алишер Навоий «Хамса»си ва ўзбек эпоси «Алпомиш»нинг русча таржималари асосида). Тошкент, 1991.

«Алпомиш» ҳикматлари

Давлат қўнса бир чивиннинг бошига,
Семурғ қушлар салом берар қошига.

* * *

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема.

* * *

Бесабрдан давлат қочар,
Давлат эшигин сабр очар.

* * *

Кучук босмас йўлбарс-шернинг изини.

* * *

Азаматлар олмос бойлар дастига
Ғаним тушар кам давлатнинг қасдига

* * *

Ҳеч замонда душман дўстлик қиларми?!

* * *

Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш,
Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош.

* * *

Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга.

* * *

Ҳар ким ўз элига бекми, тўрами,
Ўзи ўлмай киши ёрин берами?

* * *

Бўш одамнинг иши кейин кетади.

* * *

Майдон бўлса, бедов отлар чопилар.

* * *

Беамр чиқмайди чибиннинг жони.

* * *

Йигитга панд берар отнинг майиби.

* * *

Отасини урган фарзанд оқ бўлар.

* * *

Хафа фалак бошга солган зулм бор,
Қайга борсам, бир бошимга ўлим бор.

* * *

То ўлгунча тирик қулга тиним йўқ.

* * *

Кокилларинг эшилгандир тол-тол,
Ҳар толига берса етмас дунё мол.

* * *

Ёмон бўлар баланд йўлнинг қияси.

* * *

Индан чиқиб, пишак билан ҳазиллар,
Магар ажал қўмсаб келса сичқонга.

* * *

Ўйинда ўзган чинда ўзади.

* * *

Ўлмаган дунёнинг ишин кўради.

* * *

Хотин бўлмасмикан эрнинг вазири?!

* * *

Марднинг ёри той-талашда қолами?!

* * *

Ботирга майдон ҳавас-да.

* * *

От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси

* * *

Қиличига қирмизи қон қотмаган
Ўз молига ўзин важи ўтмаган.

* * *

Курру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!
Оқ тушим-яйловинг, сочим-шипиртки.

* * *

Мард бўлсанг, номарднинг
ишин қилмагин.

* * *

Хазон бўлмай боғнинг гули сўлмайди,
Сўлган гулга сира булбул қўнмайди.

* * *

Созандалар созин чертар қўл билан,
Ёмон одам куйдиради тил билан.

* * *

Гул кетар бўлса, гулистон эмранар,
Шаҳар вайрон бўлса, султон тебранар.
Мол борида ҳамма одам дўст эди,
Бошдан давлат қайтса, туғон эмранар.

* * *

Пўлатни эритар қизларнинг дами

* * *

Ёмонни йўлатма отнинг қошига,
Аччиқ қилиб урма отнинг бошига

«Алпомиш» дуолари

Яхшилик қил, ёмонликни қилмагин.

* * *

Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин.

* * *

Яхши одам асло ёмон бўлмасин

* * *

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмасин.

* * *

Қайтадан очилсин гулинг.

* * *

Азамат мард эдим, бўлмайин ночор,
Дўстга зор айлама, душманларга хор...

* * *

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмасин,
Обло сенинг ақлу хушинг олмасин.

* * *

Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Ўзингга номардларни ҳамроҳ қилмагин.

* * *

То ўлгунча сўйлаб қолган тил бўлсин,
Узунли, қисқали тўнинг мўл бўлсин.

* * *

Болаларни жаҳонгашта қиламиз.

Саҳифани Султонмурод ОЛИМ тайёрлади.

Саҳна оиламдай ардоқли

1999 йил — Аёллар йили

Актриса Раъно ЯРАШЕВА билан суҳбат

— Биз янги даврда яшаяпмиз. Шитоб билан бораётган даврда. Тез орада жаҳон кенгликларига чиқиб, жаҳон мамлакатларига танилдик. Ўзбекистон дея аталмиш жаннатмакон диёримизни танимаган эл йўқ. Ўсиш, ривожланиш, янги ислоҳотлар амалга ошаётган бир даврда яшаяпмиз. Шунга муносабатингизни билмоқчи эдим.

-Аввало мана шу гуллаб яшнаётган, ҳамма соҳада баравар ривожланаётган қадимий юртнинг бир фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Қолаверса, эски тузумнинг мазасидан бироз татиб кўрган инсон сифатида, мамлакатимиздаги ўзгаришлар, янгиликлар, яхшиликлар олдида лолман. Қарангки, охирги 7-8 йил ичида санъатда ҳам, адабиётда ҳам, сиёсату иқтисодиётда ҳам ўз йўлимиз, ўз йўналишимизни топиб олдик, десам муболаға бўлмас.

— Аёл деганда биз эрига, бола-чақасига тансиқ таом тайёрлаб, кир-чирини ювиб, дазмоллаб, ҳовли-жойни супуриб-сидириб ўтирадиган инсонни тушунардик. Кейинчалик аёллар ўқидилар, кўпчилиги ҳар соҳанинг етакчи мутахассиси бўлдилар...

— Агар аёл, хотин-қизлар ўз иқтидори, билими, илми, санъати, ижоди билан халқимизга, элимизга нафи тегадиган соҳада ишласалар унда ҳам давлат ишида ишлаб, ҳам уй ишларини ўрнига қўйишни афзал. Мабодо, мактабни битирган қизлар ҳеч қаерда ўқимаган бўлишса унда офтобда савдо билан шуғулланганда кўра уйда эри, қайнона-қайнотаси хизматини қилиб, болаларини яхши тарбиялаб ўстиргани яхши.

Кўчага чиқиб, арзимаган пул топаман, деб қийналгандан кўра, яхши хотин, яхши келин, яхши она бўлиб уйда ўтирганлари маъқул.

— «Ойнаи жаҳон»дан «Қизлар давраси» кўрсатувини томоша қилганимда бир қизнинг мен элчи бўлмоқчиман, ҳали ўзбек аёллари орасидан элчи чиқмаган, деган гапларини эшитиб, очиғи, тўлқинланиб кетдим. Қани энди, мен ҳам ёшариб қолсаму шу қизлар даврасида ўзимнинг иқтидоримни кўрсатсам деб ҳавасим келди.

— Шундай билимдон, маънавий ва жисмонан соғлом қизларни вояга етказган ота-оналарига минг раҳмат. Бу қизлар миллатимиз кўрки, жамиятимиз суянчи бўлса не ажаб.

Мана сиз онасиз. Шу ёшингизда ҳам ўша қизларга ўхшагим келди деяпсиз. Назаримда «Ойнаи жаҳон» ходимлари бу каби кўрсатувларни тез-тез бериб борсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Билимдон қизларимизнинг ҳар бир чиқишлари ўзларидан ёш бўлган укасингилларига намуна бўлиб, уларни эзгуликка, илмга чорлаган бўларди.

— Ҳар бир инсонга истеъдод берилган, ана шу истеъдодни тарбиялаш, вояга етказиш, ўз устида кўп ишлаш керак, дейишади. Шу ҳақда...

— Менимча инсондаги озми кўпми истеъдод Оллоҳдан берилади. Берилган неъматни қандай намоён этиш эса Инсонга унинг меҳнати-ю, заҳматига боғлиқ. Мени шоира дедингиз, бунинг учун раҳмат. Ёзаётганларим актриса Раъно Ярашевани ўйлаб топган ташбеҳлари эмас, балки Раъноннинг кўнгил боғидан эсган насимларни олиб келган оҳанглардир. Мен ҳаётда эркин яшашни истадим ва ўйлайманки, шундай яшаяпман... Ўйлаганимни айтаман, айтганимни қиламан. Кўнглим айтади, мен қоғозга тушираман, бошқасини билмайман.

Актёрлик эса менинг касбим, севимли касбим. Мен дунёда ота-онам ва болаларимдан кейин севадиганим бу театр. Театр мен учун сув, ҳаво, ҳаёт. Оллоҳдан илтижо қиламан, шундан жудо қилмасин!

Назира ЖЎРАЕВА суҳбатлашди

Ўзбек феъли

Саломлашиш урф-одатлари

Ассалому алайкум, азиз китобхон!

Халқимизнинг умри боқий урф-одатларидан бири — саломлашишдир.

Саломда ҳикмат кўп, фазилат кўп.

Саломлашган кишилар ўзларини қушдай енгил сезадилар, дили равшан бўлиб, чеҳраларига нур ёғилади. Халқимиз «аввал салом, баъдаз калом» деб беҳуда айтмаганлар. «Салом-Тангрининг ердаги исмларидан биридир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар», дейилган Ҳадису шарифда.

Ҳатто энг ваҳший деб тан олинган Ялмоғиз кампир ҳам: «Ҳақ саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим» деб салом берганга бежиз тан бермаган.

Саломлашиш бизларга Одам Ато ва Момо Ҳавводан мерос бўлиб қолган. Энг муҳими салом бериш — чин дилдан, самимий бўлмоғи керак. Бунинг учун ўнг қўлни юрак устига қўйиб «Ассалому алайкум» дейилса қандай олижаноблик бўлади. Саломлашишнинг турлари жуда кўп. Лекин, одатимизга кўра ҳаммавақт, ҳамма билан икки қўллаб кўришадилар. Кўришганда ҳам бош бармоқни сиқиб, саломлашиш, ҳол-аҳвол сўрашиш лозимлиги сингдирилган. Дейдиларки, Хўжаи Хизирбобонинг бош бармоғининг суяги йўқ экан. У кишини фақат шу белгиси орқали билса бўларкан.

Саломлашишнинг хосияти, фазилати, карами халқимиз орасида жуда қадрланиб, эъзозланиб авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. У ҳозирги кунда халқимизнинг энг буюк, азалий урф-одатига айланиб кетган. Улар қўйида берилган:

1. Халқимизнинг азалий одатига кўра кичиклар олдидан ким чиқса унг қўлини кўксига — юрагининг устига қўйиб, «Ассалому алайкум» деб салом беради. У киши ҳам қўлини кўксига қўйиб, «Ва алайкум ассалом» деб жавоб беради.

Лекин, у киши саломга алик оладими, бу унинг иши. Аммо биринчи бўлиб ёки кичик кишининг катталарга салом бериши ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади. Ҳадисда дебдурларки: «Учрашганда қайси бирларингиз биринчи бўлиб салом берсангиз, ўша одам Тангрига ҳам итоатлироқдир» (851), «Жаноб пайғамбаримиз қачонки ёш болалар олдидан ўтиб қолсалар улардан олдин салом қилиб ўтар эдилар» (433).

2. Одатимизга кўра қаерда бўлмайлик, йўлдами, дастурхон атрофидами, иш жойидами, йиғилишдами, дарсдами, тўй маъракадами ҳурмат қилиб салом берган кишининг саломига алик олинади. Саломга алик олмаслик, ўзини мағрур тутиш, кекайиш, димоғдорлик катта гуноҳ саналади. Мўмин киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо алик олишмаса, унга барибир, улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар, яъни фаришталар алик олишади» (347).

3. Саломлашишнинг куч-қудрати беқиёсдир. У инсон меҳрини бир-бирига яқинлаштиради. Уришган, аразлашганларни яраштиради. Душманни дўстга айлантиради, ҳатто эртакларда айтилган Ялмоғиз кампирнинг «ҳақ саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим» деган сўзида қанчалик маъно мазмун ётади. Шу боис мусулмон кишиси, албатта бир-бирлари билан саломлашиб юришлари одат тусига кирган.

4. Салом бермоқ қандай бошланганлиги ҳақида Ҳадисда шундай ёзадилар: «Оллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни ўз суратида яратиб бўлгач, ул кишига «Анави ўлтирган бир нафар фаришталарнинг олдига борғил-да, салом берғил, сўнг уларнинг оладирган алигини яхшилаб эшитиб олғил, чунким бу сенга ва сендан тарқаладиган зурриётларингга йўлланган салом бўлғайдир!» — деди. Одам алайҳиссалом бориб: «Ассалому алайкум (Сизларга — салом!)» — дедилар. Фаришталар: «Ассалому алайка ва раҳматуллоҳи! (Сенга ҳам салом ва Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!)», деб алик олишди, сўнг яна: «Ва раҳматиллоҳи фа-кулли ман йадхулу-л-жанната ало сурати одам! («Жаннатга Одам суратида кирадиган барча инсонларга ҳам Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!»), деб қўшиб қўйишди. Ана шундан бошлаб ҳозиргача инсонлар бир-бирларига салом бериб юришлари одат тусига кириб, бу Оллоҳ Таолонинг иноятидир.

5. Ассалом сўзидан келадиган савоб, яхшиликнинг маъносини ота-боболаримиз азалдан яхши билганлар ва шу боис унга амал қилиб келганлар. Бу ҳақда Ҳадисда шундай ёзилган: «Ас-Салом- Оллоҳ таолонинг исмларидан биридир!» Салом берсангиз, яхшилаб берингиз, алик олсангиз, яхшилаб олингиз! Бир куни Жаноб Расулуллоҳ намоз ўқиб бўлганларидан сўнг, бизга ўгирилиб: «Оллоҳ таолонинг ўзи саломдир! Қайсингиз намозда ўлтирган эрсангиз «Ат-Таҳиййоту лиллоҳи вас-салавоту ват-таййибот, ассалому алайка аййуҳанабийю ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ, ассалому алайна ва ало ибодиллоҳис-солиҳийн» (Барча мадҳу олқишларимиз тоат-ибодату эзгу амалларимиз Оллоҳ таоло учундир, эй пайғамбар алайҳиссалом, сизга Оллоҳ таолонинг саломи, раҳмати ва барокоти бўлсин, бизга ҳамда ҳамма солиҳ бандаларга эрса Оллоҳ таолонинг саломи бўлсин!)» — деб айтингиз. Агарда шундоқ десангиз, ер кўкдаги ҳамма солиҳ бандаларга савоби теккайдир».

Қудратилла ҲАЙДАРОВ

(Давоми бор)

«Обуна — 2000»

«Ўзбекистон матбуоти»га обуна давом этмоқда

Журналимизнинг азиз мухлислари, муҳтарам ҳамкасблар! «Ўзбекистон матбуоти» журналига 2000 йил учун обуна давом этмоқда.

Журнал таҳририятининг келаси йилга мўлжалланган режалари катта: оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларнинг ижроси, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, журналистнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида қатор мақолаларни чоп этиш мўлжалланган. Шунингдек, муштарийларимиз:

— мамлакатимизнинг етакчи газета ва журналлари таҳририятлари, нашриётлари, телевидение ва радио муҳарририятлари, матбаа корхоналари, китоб савдолари шаҳобчалари жамоаларининг иш тажрибалари;

— вилоят, туман, шаҳар ва кўп нусхали газеталар ижодкорларининг бугунги ўй-мақсадлари, маҳаллий эшиттириш ва кўрсатувлар студияларининг фаолияти;

— журналистикамиз тамал тошини қўйган барҳаёт сиймолар, забардаст журналистларнинг ҳаёти ва ижоди, матбуотимиз фахрийлари ҳақида дил сўзлари;

— ҳамкасбларимиз ҳақида лавҳалар, таниқли суратлашлар ва мусаввирларнинг асарлари;

— миллий матбуотимиз тарихига оид мақолалар, матбуот шарҳлари, хориж сафаридан қайтган журналистларнинг таассуротлари, ҳамкасбларимизнинг шеър ва ҳикоялари, ишчи-деҳқон мухбирларнинг хат-хабарлари билан яқиндан танишиб борадилар.

Журналнинг бу йилги обуна баҳоси бошқа нашрларникига нисбатан жуда арзон.

Эслатиб ўтамиз, журнал индекси — 883.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

Азиз муштарийлар, вақтни қўлдан бой берманг, ҳаракат қилинг. Журналимиз чакана савдода сотилмайди. Шунинг учун обуна бўлсангиз, биз билан йил давомида ҳамкору ҳамнафас бўласиз.

Таҳрир ҳайъати

Ҳодиса

Илон ўчма, ёки?

Одатда тушда кўрилган илон давлатдан нишона дейишади: Унинг ўзини ушлаш ёки инига қўл солиш бойишдан, бадавлат бўлишдан далолатдир. Бироқ ўша ҳолат ўнгимизда бўлса-чи?

Бу воқеага унча кўп бўлгани йўқ. Ўшанда дўппидек келадиган Тепамозор қишлоғида шум хабар тарқалди. Эмишки, қишлоқнинг янги маҳалласида истиқомат қилувчи Зокиржон ва Зиёдахонларнинг Замира исмли жажжи чақалоқларини илон чақиб олибди. Бечора қизалоқ оғир хасталаниб охири бу фоний дунёни тарк этибди. Хўш, воқеа қандай бўлганди?

Ўша куни... Қуёш аста ёстиққа бош қўяётгандай баланд тоғлар ортига яширина бошлади. Унинг тафти ҳали сўниб улгурмаган. Иссиқ ҳаво вужудларни беҳаловат қилмоқда. Чор-атроф қурбақа, чигирткаларнинг узун-қисқа овозига ошно.

Нима бўлди-ю ўша куни хонадон соҳиблари кечки овқатга кечроқ ўтиришди. Бироқ шу пайт чироқ ўчиб қолса бўладими? Ҳаммаёқ зимистонга айланди.

Зиёдахон ва Зокиржонлар чироқ ёниб қолар деган ўмидда анчагача ўтиришди. Аммо ёнмади. Боз устига қизалоғи Замира қоронғида бетоқат бўлдими ёки уйқуси келдими, ғашлик қилди.

— Уйқуси келди шекилли, ухлатиб қўяқол, — дея Зокиржон ташқарига папирос тутатгани чиқиб кетди.

— Мана, мана, ҳа-ҳа нима бўлди сенга? Ҳозир дастурхонни йиғиштириб олай қизгинам, — Зиёдахон шундай дея уни юпатмоқчи бўлди, бироқ қизалоқнинг йиғиси тўхтамади. Охири Зиёдахон «ухлатиб сўнг ишларимни битириб оламан, унгача чироқ ҳам ёниб қолар» деган хаёлда нариги хонага ўтди.

Қўлидаги шамни бир четга қўйиб, бешикни тузашга тушди. Чақалоқни аста кўрпачага ётқизиб ташқаридан тувакни келтирди. Зиёда чақалоқни бешикка белагач, унга кўкрак тутди. Замира қорни оч қолган эканми чўлпиллатиб сўришга тушди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай уйқуга кетди. Лекин бу уйқу охират уйқуси олдидаги бекат эди.

Зиёдахон ташқарида анчагача юмушлар билан банд бўлди. Замиранинг йиғисини эшитмади. Чақалоқ баттар уввос солди. Зиёдахон қулоғига элас-элас чалинган товушни англагандай уй томон югурди. Кириб кўрдики, Замира шундан чинқирадики, худди чексиз азоб тортаётгандай.

Ҳа, чақалоқнинг вужудини чинданда азоб қуршаб олганди. Аммо буни Зиёдахон билмади. Шу он Зокиржон ҳам уйда пайдо бўлди. Ҳолатни кўриб хотинига боқира кетди:

— Бўл тез, нима қилиб турибсан, буни бирор ери қаттиқ оғрияпти ёки бирор нарса чақибди шекилли. Тезроқ ечиб ол.

Зиёдахон шошиб қолди. Титроқ қўллар бир зумда бешик ипларини бўшатди. Бу орада чироқ ҳам ёнди. Шу он эр-хотин кўрқувдан тиллари лол, даҳшатли манзарадан ранглари қув оқарди, вужудлари ҳайкал мисоли қотди.

— Илон! Зиёдахон шу гапни айта олди холос. Зокиржон эса анча бўшашиб қолган чақалоғини ҳамда аёлини бағрига маҳкам босди. Нигоҳини бешикка қададди.

Дарвоқе, Зиёдахон илон деганда янглишмаганди. Чунки ҳақиқатан ҳам тим қора илон бўйнини тувакдан чўзиб, соч толасидек ингичка тилларини чиқарганча вишшилаб турарди. Унинг туриши ҳам, қараши ҳам шунақанги совуқ эдики, шу топда чанг солмоқчи бўлгандай...

— Илон аввал туваккa тушиб жойлашган Зиёда буни кўрмай Замирани белаган. Сўнг илон иссиқда димиқиб юқорига интилгандир, — дейди.

Зокиржон қизчасининг икки сони юқори қисмидаги тирноқдек қизарган қонталаш жойни кўриб ўзини тўхтата олмади. Вужудида қаҳр жўш урди. Илоннинг бошини чангаллаб, уни ташқарига улоқтирди. Ортидан ўзи ҳам югуриб чиқдида илонни парча-парча қилиб ташлади.

Ўша куни чақалоқ касалхонага ётқизилди. Унинг иссиғи борган сари кўтарила борди. Ҳамширалар чақалоққа тикилар экан «одам бўлиши қийин» дегандай бир-бирларига боқишди.

Оппоқ девор, парда тўшаклар ҳам оқ. Замира алаҳсираб, бемажол кўзларини базўр очади, нигоҳини атрофга қадайди. Вужуди титрайди, энтикади. Унинг мўлтираган тим қора кўзлари онажониси ва дадажонисига боқади. Юзларидан қон қочади. У инграйди. Товуш бутун хонани ларзага солади. «Қизгинам, сенга нима бўлди, жон қизгинам» Зиёдахон ўзини тўхтатолмайди. Чақалоқнинг жажжи қўлларини ўпади, юзларига суради. Пешонасидаги мунчоқдек терни артади, охиста ўпади. Зокиржон эса шифокорни ташқари имлайди. Бироқ шу пайт кўпни кўрган ҳамширанинг овози ҳаммани шошириб қўяди.

— Азизлар, фарзандларингиздан тезроқ рози бўлинг, тезроқ, у сизлардан шуни кутмоқда..

Зиёдахон ўзини йўқота бошлади. «Розиман, берган оқ сутимга розиман қизим, жоним қизим...» унинг кейинги гаплари бўғзида қолди.

Баҳодир ҲАМИДОВ, Наманган вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси муайян ахборот-ҳисоблаш тизимлари учун ускуналар етказиб бериш бўйича

Тендер

эълон қилади.

Таклифлар 1999 йил 15 ноябргача қабул қилинади.

Тендер ҳужжатларини Давлат солиқ қўмитасининг Моддий-техника таъминоти бошқармасидан олиш мумкин.

Манзил: Муқимий кўчаси, 96-уй, 218-хона, ички тел: 251.

Бешинчи чемпион

Эрта баҳордан бошланган футбол мавсуми поёнига етмоқда. Олий лига футбол жамоалари ўртасида ўтказилган миллий чемпионат ғолиби муддатидан аввал маълум бўлди. 29-турда ўз майдонида «Металлург»ни қабул қилган «Дўстлик» футболчилари 3:2 ҳисобида ғалабага эришиб, мамлакат чемпиони номига сазовор бўлишди. Бу мустақиллик йилларида бундай мартабага эришган бешинчи жамоадир. Маълумки, шу йиллар мобайнида «Нефтчи», «Навбаҳор», «Пахтакор», МҲСК жамоалари мамлакат чемпиони бўлишган. Яна бир кундан кейин якунловчи тур учрашувлари бўлади. Бу ўйинлар натижаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллаб турган «Нефтчи», «Навбаҳор», «Пахтакор» жамоаларининг мавқеларига таъсир қилиши мумкин. Сўнгги учрашувни «Нефтчи» — «Трактор» билан ўтказса, «Навбаҳор» «Самарқанд»ни қабул қилади. Пахтакорчилар эса ўз майдонларида бешинчи чемпионга рўбарў бўлишади. Албатта, «Самарқанд» футболчиларининг ютса-ютқазса ўз ўринларида қолишлари табиий. Зеро, «Пахтакор» ғалабага эришса, мавсумни учинчи ўрин билан якунлаши ҳам мумкин. Албатта бунинг учун навбаҳорчилар кутилмаганда мағлубиятга учрасалар, акс ҳолда ўзгаришсиз қолаверади. «Сурхон» билан «Сўғдиёна» жамоаларининг олий лигада қолиш қолмаслиги эса сўнгги учрашувлар натижасига боғлиқ бўлиб турибди.

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Ґазета 220 (Нашр индекси)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 (Нашр индекси)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Словакия Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Словакиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Элчихонаси ва «Vystavnictvo Bratislava»

«Словакия – сизнинг ишончли ҳамкорингиз» кўргазмасига чорлайди

Кўргазмада Словакиянинг тўқимачилик, қурилиш, озиқ-овқат, йўл қурилиши техникаси ва бошқа бир қатор соҳа корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилади.

Кўргазма 1999 йил 2-6 ноябрь кунлари «Ўзэкспомарказ» РСКМнинг 2-кўргазмалар павильонида («Пахтачилик» павильони) соат 10⁰⁰дан 18⁰⁰гача иш олиб боради.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107.

Тантанали очилиш маросими 1999 йил 2 ноябрь куни соат 11⁰⁰да бўлиб ўтади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 16.732 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0897

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА